

**TARIX FANLARI DOKTORI, PROFESSOR TURSUNOV SAYPULLA
NARZULLAYEVICHNING 70 YILLIK YUBILEYI MUNOSABATI OLIMNING ILMIY
FAOLIYATI OID MAQOLALAR**

**ТАНИҚЛИ ОЛИМ САЙПУЛЛА
ТУРСУНОВ 70 ЁШДА**

ОЛИМ БЎЛСАНГ ОЛАМ СЕНИКИ

ШОМАТ САМАТОВ

*Термиз давлат университети профессори,
фалсафа фанлари доктори*



Ислом тарихидан маълумки, Пайғамбаримиз Расулуллоҳ (с.а.в.)га илк бор нозил этилган оятлар инсонни ўқишга, илм олишга тарғиб қилади.

Илм-маърифатли бўлишнинг фазилати нечоғли юксак экани барчага маълум. Илм билан дунё обод, инсоният ҳаёти фаровон, илмли кишининг йўли доимо нурафшон бўлади. Шу боис илм исташ, унга етиш йўлида машаққат чекиш энг савобли амаллардан саналади.

Ислом динида илм деганда ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар тушунилади. **Диний илм** инсоннинг руҳий ҳаёти, унинг эътиқодига оид бўлиб, охирати учун зарур бўлса, **дунёвий илм** унинг жисмоний ҳаёти, дунё ободлиги учун зарурдир. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда: “Сизларнинг энг яхшингиз бу дунёни деб охиратини унутмаган, охиратини деб бу дунёсини унутмаган ва ўзгаларга қарам бўлмаганингиздир!”, дейилган.

Ҳадисда таъкидланганидек: “Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир”. “Пайғамбарлардан динор ҳам, дирҳам ҳам мерос қолмаган, улардан илм мерос қолган. Ким ўшани олса, улкан насибани олган бўлади”.

“Илмга ҳар бир нарса истиффор айлади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам”. Илм олиш олийжаноб ва савобли иш бўлиб, ҳатто ибодат, тақводан ҳам афзал ҳисобланган.

Савобли илм диннинг асосини ташкил этади. “Дин насиҳатдир”, - деган эди Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Илм, ҳикмат кишини турли нопок ишлардан асрайди. Пайғамбаримиз таъкидлаганидек: “Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир”.

Муҳаммад пайғамбар ўз ҳадисларида хитоб этдиларки: “Илм эгалланг! Илм саҳрода – дўст, ҳаёт йўлларида – таянч, ёлғизлик дамларида – йўлдош, бахтиёр дамларда – раҳбар, қайғули онларда – мададкор, одамлар орасида – зеб-у зийнат, душманларга қарши курашда - қуролдир”.

Шунингдек, ҳадисларда: “Ҳар бир мусулмонга илмга интилиш фарздир” – дейилган. Ҳадиси шарифда баён этилган бу муқаддас ўғитлар ўзининг қутлуғ 70 ёшини қарши олаётган эл – юртнинг садоқатли фарзанди Сайпуллажон учун ҳали болалиқданоқ амалий дастурга айланди.

Мен Сайпуллажон ҳақидаги айрим хотираларимни баён қилиш ҳамда бу мўътабар инсонга бўлган самимий қалб изҳорларимни баён этишни устозлик – мураббийлик бурчим деб ҳисоблайман.

1974-75-ўқув йили. У пайтда Термиз давлат педагогика институти (ҳозирги ТерДУ) да бор-йўғи 4 та факультет: ўзбек ва рус филологияси; чет тиллар; физика-математика; табиётшунослик факультети

бор эди холос.

Табиийётшунослик факультети деканлигини бошқариш менга юклатилганди. Бу факультет таркибида биология-химия, жисмоний тарбия ва спорт, педагогика ва мактабгача тарбия, шунингдек тарих бўлимлари кирар эди. Махсус график тузиб ҳар бир бўлим, ҳар бир гуруҳ билан учрашув ташкил этиб очиклик усулида ҳар бир талаба билан савол -жавоб ўтказганман. Жумладан, тарих бўлими 1 курс талабалари билан ўтказилган савол – жавобда Сайпуллажоннинг жавобидан жуда ҳам мамнун бўлдим. Раҳмат айтдим. Бошқаларни ундан ўрнак, намуна, ибрат олишга чақирдим. Қандай ёрдам кераклигини сўрадим.

Сайпуллажон резервист (эркин тингловчи) эканлигини баён этиб ёрдам сўради.

XX асрнинг 60 -70 - йилларида ўрнатилган тартибга биноан мандат пайтида: бали паст бўлса ҳам, аввало киз болалар, сўнг ҳарбий хизматдан қайтганлар, ундан кейин камида икки ва ундан кўп йиллик иш стажига эга бўлган кишилар қабул қилинар эди. Борди-ю тўлмай қолинса юқори балликлар олинар ёки айрим иқтидорлиларга эркин тингловчиликка рухсат этилар эди. Мен факультет жамоаси билан маслаҳатлашиб, факультет илмий кенгашининг яқдиллик билан розилигини олдим ва Сайпуллажонни резервистликдан ҳақиқий студентликка ўтказишга уни гуруҳ сардорлигига тайинлаганмиз. У тўла ишончимизни оқлади. 1977 йили тарих – жамиятшунослик йўналиши бўйича институтни **имтиёзли** диплом билан тугатди. 1977 йилнинг август – декабрь ойларида Шеробод туманидаги 28-сон умумий ўрта таълим мактабида тарих – жамиятшунослик фани ўқитувчиси лавозимида иш бошлади.

Мен бу даврда “Фалсафа” кафедраси мудири эдим. Кафедрада вакант жой бўлганлиги сабабли 1978 йил январидан уни ишга чақириб олганман. Мен бу гапларни, қандайдир миннат қилиш маъносида айтаётганим йўқ. Аксинча, фахр ва ғурур билан айтмоқчиманки, Сайпуллажон кўз

ўнгимда, худди ўз фарзандимдек, туғишган укамдек вояга етди, камолот чўққисига етди. Унинг ҳар бир ютуғига гувоҳман, фахрланаман.

Халқимиз орасида “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, деган нақл бор. Балки, одамгарчиликни, инсонийликни унутган, фақат ўзини ўйлайдиган, ўзи учун қайғуриб, фақат ўзимга бўлсин, деб яшайдиганлар осонгина олим бўлар. Лекин илм тараққиётини ўйлайдиган, эл – юрт манфаатини юксак тутадиган ҳақиқий олим учун илм қилиш машаққатсиз йўл эмас. У бамисоли игна билан қудуқ қазиш билан баробар.

52 йилдан буён мен билган ва гувоҳ бўлган Сайпуллажон ҳам олим, ҳам чинакам одам бўлишдек даражага етишган.

Мавлоно Алишер Навоий айтганларидек:

**Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.**

Тафаккур қувватининг қай даражада экани олим салоҳиятининг белгиловчи мезон ҳисобланса-да, ҳали бу ўлчов ҳам чинакам билим соҳибининг қалб ва қиёфасини яхлит намоён эта олмаслиги мумкин. Тарих ва тажрибадан аёнки, ҳақиқий олим ҳар томонлама бетўхтов шаклланиб боради ва охир – оқибат бир ўлчовга сиғмай қолади. Сиғмаслик замиридан, албатта, олим шахсини юксалтирувчи фазилатлар бўй чўзади.

Агар бу фазилатлар фан равнақи эл манфаати ва инсон камолоти учун йўналтирилган бўлса, тафаккурнинг куч – қуввати жамият тараққиётига ўз таъсирини муттасил ўтказаверади. Тарих фанлари доктори, профессор Сайпулла Турсунов ана шу куч – қувватни ўзида жо айлаган замонамиз қаҳрамонидир.

У 1985 йилда “Ўзбекистонда янги шаҳарларнинг ижтимоий – иқтисодий тарихи” мавзусида номзодлик; 1995 йилда “Ўзбекистон иқтисодиётида аграр секторнинг ривожланиши: муаммолар ва натижалар (1946-1965 й.й.)” мавзусида тарих фанлари доктори илмий даражасини

олиш учун диссертация ёқлади. 1999 йилда унга профессорлик илмий унвони берилди.

Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, Сайпулла Турсунов Сурхондарёнинг энг қадимги давридан бошлаб то бугунги кунига қадар бўлган тарихини ўрганиш бўйича ўзига хос **илмий мактаб** яратган олимдир.

Сурхондарёда мавжуд бўлган барча туманлар тарихи деярли ўрганилди.

Улардан айримларини эслатишнинг ўзи етарли деб ўйлаймиз.

Жумладан: “Хаёлий фикрлаш асрида”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги уринишлар: ниятлар ва натижалар”, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлида”, “Ўзбекистон иқтисодиётида аграр секторнинг ривожланиши ва муаммолари”, “Сурхондарё тарих кўзгусида”, “Термизий буюк сиймолар”, “Термиз йилномаси”, “Сурхондарё тарихи”, “Ўзбекистон тарихи ва маданияти”, “Сурхондарё этнографияси”, “Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш”, “Сурхондарё вилояти топонимлари”, “Сурхондарё вилояти номоддий маданияти”, “Сурхондарё этнографик макон”, “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида” номоддий маданият тарихи “Сурхон воҳаси моддий маданияти тарихи”, “Сурхон воҳаси архитектураси ўтмиш ва бугун”, “Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи”, “Ўзбек миллий кураши тарихи — анъаналари”, “Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи”, “Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи”, “Термизийларнинг илмий тафаккури”, “Имом Исо Термизий ва Термизий алломалар”, “Термизий буюк сиймолар”, “Раҳбар маънавияти”, “Хотира барҳаёт — қадр мангу”, “Маҳалла — мустақил юрт таянчи”, “Миллий маънавиятимиз ва баркамол авлод тарбияси”, “Халқ ҳикматларининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти”, “Шаҳид кетган қатағон қурбонлари хотираси абадий (1920-1938 й.й.)”, “Бойсун баҳори”, “Шеробод тарихи”, “Иккинчи жаҳон уруши йилларида

Шеробод меҳнаткашларининг жасорати”, “Унутилмас жасорат”, “Термиз йилномаси”, “Шерободликлар”, “Сюань — Дзань ва буддизм тарихига доир”, “Жарқўрғон”, “Денов”, “Бойсун”, “Шеробод тарихидан лавҳалар”, “Шўрчи тарихидан лавҳалар”, “Жарқўрғон тарихидан лавҳалар”, “Қумқўрғон тарихидан лавҳалар”, “Термиз шаҳри тарихи”, “Термиз тумани тарихи”, “Бандихон тарихи”, “Қизириқ тарихи”, “Сариосиё ва Узун тарихи” каби илмий тарихий монографиялари; “Сурхондарё тарихи”, “Сурхондарё этнографияси”, “Жаҳон тарихи” каби дарслик ва ўқув қўлланмалари шунингдек 350 дан ортиқ илмий ва илмий — оммабоп мақолалар муаллифидир.

С.Н.Турсуновнинг илмий тадқиқот натижалари тарих фанини илмий — амалий ўрганишда кенг қўлланилмоқда.

У 2012 йил 6 майда Халқаро Турон фанлар академияси Академиги этиб сайланди.

С.Н. Турсунов 2002 йил июлида Англиянинг Кембриж Халқаро жамияти ва Англия Кембриж университети томонидан “XXI асрнинг машҳур 2000 олими” эътирофига сазовор бўлди. Ҳозирги вақтда Англиянинг Кембриж халқаро биографик жамияти ва университети, Япониянинг Сока университети, АҚШнинг Бостон, Релиж, Франциянинг Халқаро Археология — этнография институти билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

С.Н. Турсунов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар бошқармаси томонидан 2003 йил 27 январда “Сурхондарё тарихи”; 2004 йил 14 июнда “Ўзбекистон тарихи ва маданияти — Сурхондарё этнографияси”; 2010 йил 25 февраль “Сурхондарё — этнографик макон”; 2011 йил 8 февраль “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи”; 2012 йил 22 февралда “Сурхон воҳасида моддий маданият тарихи”; 2013 йил 25 февралда “Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи (жанубий ҳудудлар мисолида)”; 2015 йил 25 февралда “Ўзбекистонда топонимик номлар

ва уларнинг тарихи”; “�збекистон жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи”; 2017 йилда “Сурхондарё вилояти экотуризма салоҳияти”; 2021 йилдан буён “Боботепа-1”, “Боботепа - 2” номли тасдиқланган давлат инновация грантлари совриндоридир. У 18 йилдан буён “Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш маркази” раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Энг катта хайрли ишлардан бири унинг Бош муҳаррирлигида ана шу марказнинг органи ҳисобланмиш **“Сурхондарё: илм ва тафаккур”** журнаlining нашр этилишидир. Бу эса Сурхондарё вилоят маданий ҳаётида улкан воқеадир.

Илм билимли киши учун фазилат бўлса, бу ҳолатни у бошқаларга сингдириши зарур. Шу боисдан Пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) ўз ҳадисларида таъкидлаганларидек, илмли киши мевали дарахтга менгзатилади. Ўз навбатида, унумдор тупроққа ўхшатилади, ундаги унган ўсимликлар, гиёҳлар инсонларни озиқлантиради. Сув ерларга ҳаёт бағишлаганидек, илм ҳам кишиларга эзгулик, яхшилик келтиради. Илми ҳикмат ўткинчи эмас, у абадий. Шунинг учун мўмин кишига вафотидан кейин етиб турадиган савоб нарсаси унинг тарқатган илмидир.

Етук олим С.Н.Турсуновнинг бевосита илмий раҳбарлигида 5 та фан доктори, 48 та фан номзоди, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) тайёрланди. Республика илмий жамоатчилигида олимнинг мавқеи ҳисобга олиниб ОАКнинг қарори билан тарих фанлари доктори, профессор С.Н.Турсунов раислигида (07.00.01 Ўзбекистон тарихи) Термиз давлат университети ҳузурида диссертация ҳимоя қилиш бўйича Ихтисослашган Илмий Кенгаш фаолият олиб бормоқда.

Одатда йирик олимлар фаолиятига баҳо беришда унинг раҳбарлик фаолияти, жамоатчилиги, жамоат ишларидаги фаолиятига ҳам баҳо берилади.

Жаҳон адабиётининг буюк сиймоларидан бири Лев Толстой таъкидлаганидек:

“Дунёда инсонлар учун озгина бўлса ҳам

қилинган яхшиликдан гўзалроқ туйғу йўқ”.

Яна: “Ҳаётда биргина чинакам бахт бор. У ҳам бўлса бошқалар учун яшамоқликдир”.

Ҳа, етук олимимиз худди ана шундай яшади, яшамоқда! Биз бунга гувоҳмиз. У 1996-97 йилларда ТерДУ тарбиявий ишлар проректори; 1997-2000 йиллар ТерДУ маънавий – маърифий ишлар 1-проректори; 2000-2001 йиллар ТерДУ ректори; 2002-2024 йиллар “Жаҳон тарихи” кафедраси мудири; 2010 йил 18 февралдан Сурхондарё вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази раҳбари. У вилоят ички ишлар бошқармасида, вилоят прокуратурасида, вилоят ёшлар уюшмасида, маҳалла жамғармасида маънавий – маърифий ишлар бўйича етакчи маърузачи мутахассис. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Сурхондарё вилояти раиси ўринбосари. Республика, вилоят радио-телевидение эшиттиришлари ва матбуот органларида етакчи жамоатчи мухбир.

Шахсий фазилати ҳамда мамлакатимиз илмий жамоатчилиги орасидаги обрў эътибори республика, вилоят, шаҳар ва университет миқёсида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, холислик, беғаразлик, бағрикенглик, танқидий ва ҳаққоний жиҳатлари ибратли бўлиб, катъий фикрга эгаллиги, ўз сўзини устидан чиқиши, кечиримлилик, устоз-шогирд ғоясига ишонч билан қараши ҳамда меҳнатсеварлиги, вақтни тежаши, ҳар бир нарсага ўта масъулият ва синчковлик, қайта текшириш ва ишонч ҳосил қилиши билан ажралиб туради.

Сайпулла домла – кўнглига қуёшни жо айлаб яшаётган юртимиз зиёлиларидан – яъни нур тарқатувчиларидан бири. Маълумки, қуёш – ёруғлик, эзгулик тимсоли. Унинг нури ила бу олам мавжуд ва гўзал. Инсон кўнглидаги меҳр ҳам қуёш нури кабидир.

Дунёнинг борлиги ва гўзаллиги ҳам кўнглида қуёш чарақлаб турган мана шундай инсонларнинг меҳридан, бағрикенглигидан, саҳийлигидан, мурувватидан, десак айтиш ҳақиқат. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири

билан айтсак: “Олимлик Аллоҳ нуруни солган улуғ бир мартаба. Бу мартабадан жамиятнинг бутун вужудига нур, зиё тарқалади. Олимларнинг суҳбатидан инсон ўзига беқиёс маънавий бойлик олади, қалб кенгликларини, тафаккур теранлигини ҳис

қилади...”

Дарҳақиқат, суюкли олимимиз Сайпулла домлани қутлуғ 70 ёши билан муборак этамиз, унга мустаҳкам соғлиқ, жонажон Ватанимиз равнақи йўлида баракали хизматида муваффақиятлар тилаймиз.